

“МУТАФАККИРЛАР”
илмий-оммабоп рисодалар туркуми

ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ

«Тафаккур» нашриёти
Тошкент — 2009

Kitobxon.Com

83.3.5 (5Ў)

Жўраев Олим.
Ҳаким Термизий/О.Жўраев.
Т.:«Тафаккур» нашриёти,
2009, — 64 б.

ББК 83.3.5 (5Ў)

Таҳрир хайъати:

У.АЛИМОВ, У.УВАТОВ, А.ҲАСАНОВ,
Б.ТУРАЕВ, А.АЧИЛДИЕВ, Қ.НАЗАРОВ,
М.ҚУРОНОВ, О.ЮСУПОВ, Н.ЖАББОРОВ,
А.МУХТОРОВ.

Муаллиф: Олим ЖўРАЕВ

*Бу рисолада буюк ватандошимиз, мутасаввуф
Ҳаким Термизий ҳақида маълумотлар тўпланган.*

*«Мутафаккирлар» илмий-оммабон рисодалар
туркуми Имом Бухорий халқаро маркази ва
«Тафаккур» нашриётининг қўшма лойиҳасидир.*

ISBN 978-9943-372-25-2

© «Тафаккур» нашриёти, 2009 йил.

Kitobxon.Com



ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ (820—932)

Исми-шарифи

Тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳасан ибн Башир ал-Ҳаким ат-Термизий бўлиб, унинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар ўрта аср араб муаллифларидан Тожуддин ас-Субкий, ал-Хатиб ал-Бағдодий, Ибн Ҳажар ал-Асқалоний, ас-Сулламий ва бошқаларнинг асарларида, шунингдек, унинг ўзининг қаламига мансуб «Бадъу шаъни Абу Абдуллоҳ» («Абу Абдуллоҳ ишининг бошланиши») номли автобиографик рисоласида келтирилган.

Ал-Ҳаким ат-Термизий исломий илмларнинг турли соҳаларида ижод қилганлар. Қайси соҳада ижод қилмасинлар, ҳар нарсанинг туб моҳиятига, яширин ҳикматига етиб боришга интилар эдилар.





Зеро, борлиқдаги ҳеч нарса беҳикмат эмаслигини барчамиз ҳам сезиб турамыз, лекин уларни кўп ҳам кўра олмаймыз. Ал-Ҳақим ат-Термизий эса ҳар нарсада, хоҳ у илм бўлсин ёки Аллоҳ таоло бандалари учун яратган неъматлари бўлсин, ато этган шариати бўлсин, уларнинг барчасида илоҳий ҳикматни англашга, тева-рак-атрофда, бизни ўраб турган дунёнинг ҳикматли жиҳатларини ўзлари англаб етиб, бошқаларни ҳам уларни кўра би-лишга тарғиб этар эдилар. Шунинг учун ҳам аллома “ал-Ҳақим”, яъни “(борлиқ-даги) ҳикматни англаган зот” номига мушарраф бўлганлар¹.

У ким эди?

Машҳур мутасаввуф, муҳаддис, хофиз ва олим бўлиб, ақида, тафсир, ҳадис ил-млари тўғрисида асарлар ёзган.

¹ Усмонов У. Нодир масалалар. Т.: Мовароуннахр, 2007.





Қачон ва қаерда туғилган?

Ал-Ҳаким ат-Термизий таваллуд топган сана хусусида ҳам ёзилган манбалар ва адабиётларда турли йиллар келтирилган. Одатда ўрта асрларга оид ёзма манбаларда аксар ҳолларда муаллифнинг фақат вафот этган йили кўрсатилиб, таваллуд этган санаси келтирилмайди. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг ҳаёти ва унинг таълимоти чукўр ўрганган мисрлик таниқли олим Абдулфаттоҳ Абдуллоҳ Барака ал-Ҳаким ат-Термизийни 820 йилда Термиз шаҳрида таваллуд топиб, узок умр кўриб 932 йили 112 ёшида вафот этганлиги ҳақида ёзади. Мана шуларни хулоса қилиб айтиш мумкинки, бу йўналишда келажакда олиб бориладиган чукўр илмий тадқиқотлар аллома ал-Ҳаким ат-Термизий таваллуди ва вафоти саналарини аниқлаш имконини беради, деб ўйлаймиз. Унинг мақбараси Термиз шаҳрининг яқинида Амударё бўйида жойлашган. Термиз шаҳри





ҳақидаги қимматли маълумотларни араб географлари ал-Муқаддасий (Аҳсан ут-тақосим фи маърифат ал-ақолийм), ал-Истахрий (ал-Масолик ва-л-мамолик), ал-Балазурий (Футуҳ ул-булдон) ва бошқа қатор муаллифларнинг асарларида учратамиз. Мазкур манбаларда таъкидланишича, ал-Ҳаким ат-Термизий туғилган Термиз шаҳри ҳам IX асрда Моваруннахрнинг энг йирик ва обод шаҳарларидан бири сифатида машҳур бўлиб, шаҳарда диний ва дунёвий илмлар ва маданият юксак даражада тараққий қилган. Илм-фаннинг турли соҳалари, жумладан, исломий илмлар бўйича Термиз шаҳридан етишиб чиққан кўплаб алломалар ат-Термизий нисбаси билан бутун дунёда машҳур бўлганлар. Жаҳоний эҳтиромга сазовор бўлган термизлик буюк сиймолардан бири ал-Ҳаким ат-Термизийдир. Афсуски ал-Ҳаким ат-Термизийнинг болалик ва ёшлик йиллари ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар





учратмадик. Унинг ота-онаси ҳақидаги баъзи хабарлардан маълум бўлишича, унинг отаси Али ибн ал-Ҳасан ўз даврида ҳадис илмининг кўзга кўринган олимларидан бири сифатида машҳур бўлган. Араб тарихчиси ал-Ҳатиб ал-Бағдодий ўзининг машҳур «Тарихи Бағдод» («Бағдод тарихи») номли асарида ёзишича, у мусулмон оламининг энг йирик марказларидан саналган Бағдод шаҳрида бўлиб, ўша даврнинг машҳур олиму уламулари билан ҳадис илмининг турли масалалари бўйича қизгин баҳс ва мунозараларда иштирок этган. Ал-Ҳаким ат-Термизий ўзининг автобиографик рисоласи «Бадъу шаъни Абу Абдуллоҳ» ва «Ар-Радд аълол-муаттила» каби асарларида ёзишича, унинг онаси ва бобоси ҳам ўз даврида ҳадис илмининг етук билимдонларидан бўлган. Бу маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, ал-Ҳаким ат-Термизий илм-маърифат юксак кадрланган, зиёли бир хонадонда дунёга келиб,






мана шу илмий-маънавий муҳитда ўсиб улфайган. Охир оқибатда мазкур омиллар таъсирида унинг маънавий дунёси ва илмий тафаккури шаклланиб камолга етган. Айни вақтда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ал-Ҳаким ат-Термизийнинг илмий камолотида унинг отаси Али ибн ал-Ҳасаннинг хизматлари бениҳоя катта аҳамиятга моликдир. Чунончи, у ўз фарзанди учун нафақат меҳрибон ва ғамхўр ота, балки унга нисбатан талабчан мураббий ва маърифатли устоз мақомида ҳам бўлган. Бу хусусда ал-Ҳаким ат-Термизий ўз китобларидан бирида шундай ҳикоя қилади:

— Оллоҳ таоло мени устозим — волидимдан жудо қилганда мен саккиз ёшда эдим. Унинг саъй-ҳаракатлари боис мен илм олишга шундай берилиб кетгандимки, китоб мутолаа қилиш мен учун асосий машғулот бўлиб қолган эди. Ваҳоланки, менинг тенгқурларим ўйин-кулги ва вақтихушлик билан банд бўларди-





лар. Волидимнинг ижтиҳодлари туфайлик мен шу ёшимда «Илм ал-осор» (ҳадис илми) ва «Илм ар-рай» (ханафий мазҳаби фикҳи) билимларини тўлик эгаллаб олган эдим... Отаси вафотидан кейин ал-Ҳаким ат-Термизий ўз шаҳридаги етук олимлардан исломий фанлардан, асосан тафсир, ҳадис ва фикҳ илмларидан сабоқ олади. Унинг Термизлик муҳаддислар Абу Муҳаммад Солих ибн Муҳаммад ибн Наср ат-Термизий, Солих ибн Абдуллоҳ ат-Термизийдан ҳадис илмини ўрганганлиги ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар келтирилган. Шундан сўнгра аллома Фаридуддин ал-Атторнинг ёзишича, ёши йигирма еттига етганда ал-Ҳаким ат-Термизий икки ўртоғи билан ўша пайтда бутун Шарқда илму маърифатнинг энг йирик марказларидан бири саналган Бағдодга бориб илм олишни ният қилганда бирдан онаси бетоб бўлиб қолади ва унга: Эй ўғлим, мен бир муштипар, заифа аёл бўлсам,





Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq
versiyasi

<https://kitobxon.com/oz/asar/1098>

saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг
тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1098>
сайтида.

Это был ознакомительный отрывок.
Полную версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1098>